Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
28 ноябрь
ЧОРШАНБА

№ 95
(12.523)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz


САЛОМАТ БЎЛИНГ

## БУ ТУҲФАНИНГ ҚАДРИ БЕБАҲО

**Вилоятимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, техник ва технологик базани мустаҳкамлаш ҳаракати сўнгги йилларда янада кучайди. Энг чекка қишлоқларда врачлик пунктлари қурилиб, марказий шифохоналар янгидан чирой очаётир, улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётир.**

Вилоят онкология диспансери шифохонасига энг сўнгги русумдаги эндоскопия аппаратининг келтирилиши ҳам бу хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

– Ушбу тиббий ускунани Германиянинг "OLYMPUS" компанияси ишлаб чиқарган, – дейди компаниянинг Ўзбекистондаги дистребьютери, "International Construction Machinery Ltd" менежери Бахтиёржон Эрматов. – Унинг ҳақиқий нусхаси Ўзбекистон ва Қозоғистонга келтирилди. Уни "ASIA ALLIANCE BANK" очиқ акциядорлик тижорат банки 48 минг АҚШ долларига харид қилди.

– Ушбу ускуна пешоб йўли ва қопидаги хасталикларни аниқлашда қўлланилади, – дейди эндоскопист-шифокор Асадилла Абдуҳакимов. – Унинг афзаллиги ташҳисни аниқ белгилай олишида.

Куни кеча ушбу тиббий ускунани топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда шифохона раҳбарияти ва ускунани келтиришда қатнашган ташкилот ва муассаслар вакиллари иштирок этишди.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**





**СУРАТЛАРДА:** эндоскопик аппаратни қабул қилиб олиш жараёни; (ўнгдан) эндоскопист-шифокор Асадилла Абдуҳакимов ва уролог Хуршид Алижонов янги ускунани кўздан кечиришмоқда.

МАЪНАВИЯТ

**Юртимизнинг бетакрор табиати, сўлим ва хушманзара гўшалари азалдан дунё аҳлининг эътиборини тортиб келган. Хусусан, Тошкент вилояти замини кўркам боғ-роғлари, пурвиқор тоғлари, зилол ва маржон булоқлари, ўрмонзорлари билан машҳур. Инсон табиат бағрида ижод қилади, кўркам манзарасидан завқ олади, саховатидан баҳраманд бўлади. Табиат ўзининг фусункорлиги, ҳиммати кенглиги, гўзал манзараси, қушлар хониши, ҳайвонот олами билан азизланибгина қолмай, у инсон мурувватига муҳтож эканини қайд этиш лозим.**

## ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Ҳар бир инсон, табиат муҳофазаси билан шуғулланувчи ходимлар ер юзида яшовчи жониворлар тақдири, уларнинг ҳаёти тўғрисида қайғуришни ўзларининг муқаддас бурчлари деб ҳисоблашлари лозим. Инсонлар азалдан ўсимлик, ҳайвонлар ва ўрмонларни муҳофаза қилишга эътибор бериб келганлар, агар шундай ҳаракат бўлмаганида ҳозирги биологик хилма-хиллик сақлаб қолинмаган бўлар эди. Истиқлол йилларида она табиат муҳофазасидек эзгу ишлар йўлида кенг кўламда ислоҳотлар амалга оширилиб, қатор қонун ва фармонлар қабул қилинди.

Маълумки, илм-фан ва техника тараққиёти, биринчи навбатда, саноат корхоналари ишлаб чиқариш жараёнларини тубдан ўзгартириб юборди. Ишлаб чиқариш жараёнларини компьютерлаштириш, илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни юқори рентабелли жиҳозлар билан қуроллантириш ривожланишга кенг йўл очди, саноат маҳсулотларини кўпайтиришда муҳим вазифани ўтади. Бундай тараққиёт атроф-муҳитнинг бир қадар бузилишига ва ўз навбатида, аҳоли турли қатламларининг саломатлиги, ҳаттоки, генофонди ҳам ўзгаришига олиб бормоқда.

Демак, табиий бойликлардан ўйламай-нетмай, ошиқча фойдаланиш, уларнинг ўрнини тўлдириш чора-тадбирларини кўрмаслик оқибатида сайёрамизнинг қиёфаси борган сари салбий томонга ўзгариб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Жумладан, ўрмонларнинг тобора йўқолиб бориши, чўлу биёбонларнинг аҳоли минтақаларига бостириб бораётгани, дарёларнинг саёзланиши, Орол денгизининг қуриётгани, чучук сув ҳавзалари тобора саноат, хўжалик ва бошқа чиқинди ҳавзаларига айланаётгани, ўсимлик ва ҳайвонот турларининг камайиши, баъзи бир турларнинг йўқолиб кетаётгани, фойдали қазилмаларнинг тугаётгани кўпчилик аҳолини ташвишга солмоқда. Аҳолини экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат, сув, ҳаво билан таъминлаш тобора қийинлашиб бормоқда. Демак, XXI асрда аҳоли олдида турган муаммолардан энг долзарби истиқомат қилаётган минтақалар – уларни ўраб олган атроф-муҳитни тезроқ соғломлаштириш, гўзал табиатимизга раҳна солмаслик, табиий ресурслардан ақлу заковат билан фойдаланишни таъминлаш, айниқса, тиклаб бўлмайдиган табиий ресурсларга алоҳида эътибор беришдир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилди. Бу бежиз эмас.

"...Ўзбекистон ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг 2005-2010 йилларга мўлжалланган Дастури"да чўлланишнинг олдини олиш, иқлимнинг ўзгариши, қуриган Орол денгизи тубида ва Оролбўйи ҳудудларида ўрмонзорлар барпо этиш, ёғочбоп ўрмонзорлар яратиш, ўрмон фонди ерларида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари муҳофазаси, улардан оқилона фойдаланиш ва сақлаш каби вазифалар ўз аксини топган... Бу фикрлар вилоятимиз экотизимига ҳам маълум маънода алоқадор.

Яқинда бўлиб ўтган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари талаблари вилоятнинг корхона, ташкилотлари ва аҳолиси томонидан бажарилиши ҳамда уларга риоя этилиши юзасидан мувофиқлаштириш ва назорат ишларини амалга ошириш борасида қилинган ишлар бўйича Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш бўлимининг ҳисоботи тингланди. Жумладан, текширишлар ва рейдлар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича кўрилган чоралар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

**Тошкентда "Янги авлод – 2012" болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда 858 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Улардан 118 та (23 та гуруҳ ва 95 нафар якка тартибдаги иштирокчилар) турли йўналишларда ғолибликни қўлга киритди.**

## «ЯНГИ АВЛОД – 2012» ФЕСТИВАЛИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бугун Тошкентдаги "Истиқлол" санъат саройида ўтказиладиган гала-концертда энг яхши чиқишлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилади ва совриндорларга "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Васийлик кенгаши томонидан дипломлар, грантлар ва совғалар топширилади.

**"Туркистон-пресс".**

ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

## АЁЛЛАРНИНГ НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси анжуманига саноқли кунлар қолди. Бу нуфузли тадбир олдидан бўлиб ўтган вилоят хотин-қизлар қўмитасининг IV ҳисобот-сайлов конференцияси ўзига хос кўтаринки руҳда кечди.**

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, конференциянинг шаҳар ва туман босқичларидан сайланган депутатлар, вилоят хотин-қизлар қўмитаси фаоллари қатнашди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш 103 фоиз бажарилди. Тадбиркор аёлларга 6 йил давомида 98 млрд. 624 млн. 21 минг сўм кредит берилди. Хотин-қизлар қўмитаси қошида "Зулфияхоним қизлари", "Ораста қизлар" тўгараклари, ёш оила қурувчилар учун "Мустаҳкам оила" маслаҳат маркази, тадбиркор аёллар учун "Ахборот-маслаҳат маркази" ташкил этилди.





Анжуманда таъкидланганидек, вилоятимиз аёлларининг айтишга арзигулик ишлари бисёр, аммо қилиниши зарур бўлган вазифалари ҳам кўп. Шу боис, хотин-қизлар қўмитаси 2012 йилга қадар амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботида кўпроқ танқидий-таҳлилий жиҳатларга эътибор қаратди.

– Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини талаб даражасида дейишга асос бор албатта, – деди конференцияда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Боситхонова. – Аммо, ечимини кутаётган муамолар ҳам етарли. Шунинг учун қўмита раисининг танқидий-таҳлилий руҳдаги маърузаси келгусида қилинадиган ишларга яхшигина туртки бўлиши аниқ.

(Давоми 2-бетда).

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

## МАҚСАД – ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

**"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тегишли корхона ва ташкилотлар, жумладан, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари бу борадаги ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда.**

– Оила институтини янада такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимизни Президентимиз томонидан илгари сурилган "Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор" деган эзгу тамойилдан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқдамиз, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси Ҳ. Эрматов. – Бунда асосий эътибор оилаларни мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш ҳамда ёш оилаларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдамлашишга қаратилмоқда.

Жойларда "Оила – маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтининг таълим-тарбия муассасалари билан ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда эҳтиёжманд оилалар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг туман бўлими оиламизга сигир ҳадя қилди, – дейди Бекобод туманидаги "Бўстон" маҳалласида яшовчи Розия Собирова. – Натижада эҳтиёжимиз учун зарур сут, қатиқ ва сариёғ ўзимиздан чиқадиган бўлди.

Кўплаб ёш оилаларга фонд томонидан телевизор, чангютгич, мебеллар тўплами каби ҳаётий зарур жиҳозлар ҳадя қилинди. Бўка, Қибрай ва Зангиота туманларидан олий таълим муассасаларида ўқиётган уч нафар талабанинг шартнома пуллари тўланди. Меҳрибонлик уйларида тарбияланган, энди оила қураётган ўн нафарга яқин йигит-қизга ётоқхона мебеллари туҳфа этилди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 113 ёш оилага микрокредитлар, кўплаб оилаларга истеъмол кредитлари ажратилишига кўмаклашилди.

Тижорат банклари билан ҳамкорликда маҳаллаларда ёшлар иштирокида ўтказилаётган тадбирларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган туржойлар, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган совутгич, телевизор каби уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун бериладиган ипотека, истеъмол ва бошқа турдаги кредитларни расмийлаштириш тартиби, бу борада жорий этилган имтиёзлар тўғрисида маълумотлар берилмоқда.

– "Ипотекабанк"нинг вилоят филиалидан кам фоизли, муайян имтиёзли давр билан кредитга "Artel" телевизори ва чангютгич сотиб олдим. Мустаҳкам оила йилида орзум ушалганидан – замонавий маиший техникаларга эга бўлганимдан хурсандман, – дейди Зангиота туманидаги "Файз" маҳалласида яшовчи Аслиддин Жайнаров.

Буларнинг барчаси "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, оилалар мустаҳкамлиги ва жамиятимиз барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасидир.

**Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.**

САХОВАТ

## ХАЙРЛИ ИШ – ҲАР КУНИ

Мустаҳкам оила йилида аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами – ёлғиз қариялар, ногиронлар, сурункали беморлар, кўп болали оилаларга, шунингдек, турли табиий ва техноген офатлар чоғида жабрланганларга инсонпарварлик ёрдами кучайтириляпти. Бу жараёнда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг иштироки, айниқса, салмоқли бўлаётир. Ҳар йили ноябрь ойида жамият жамғармасига маблағ тўплаш хайрия ўн кунлигини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди.

– Вилоят ҳокимининг фармойиши асосида маблағ тўплаш ўн кунлиги бу йил ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди, – дейди Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти раиси Н. Рустамова. – Барча шаҳар ва туманларда хайр-эҳсон ўн кунлигини ташкил этиш вазифалари аниқ белгилаб олинди.

Мурувват уйлари, маҳаллаларда хайрия марафонлари, хилма-хил акциялар, спорт тадбирлари ташкил этилди. Эҳтиёжманд оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Жойларда Қизил Ярим ой жамиятига жамоавий аъзо бўлиш учун ташвиқот-тарғибот тадбирлари олиб борилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари жамиятнинг бошланғич ташкилотларини тузиш, ходимларни жамоавий аъзоликка қабул қилиш ва хайрия маблағларини йиғиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатди. Хайрия маблағлари, жамоаларнинг розилиги асосида бир кунлик иш ҳақи белгиланган тартибда Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилотининг Тошкент шаҳар "Ипотека-банк"ининг Меҳнат филиалидаги 2021200090010174000 ҳисоб рақамига, МФО 00423, ОКОНХ 98600, ИНН 200896787га ўтказилмоқда.

Бу хайрия жараёни мунтазам давом этади.

## МАҲСУЛОТЛАР – ДАСТУРХОНИМИЗГА

**Заркент қишлоғидаги "Заркент қишлоқ сервис" масъулияти чекланган жамияти кунига 3 мингга яқин қолипланган нон тайёрламоқда.**

– Маҳсулотни Заркент, Чанги, Сўқоқ қишлоқлари, туман шифохонаси ва мактабгача таълим муассасаларига элтиб беришда муаммо йўқ, – дейди "Заркент қишлоқ сервис" МЧЖ раҳбари Салоҳиддин Комилов. – Корхонамизнинг битта "Дамас" машинаси буни уддалаяпти.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

ИҚТИСОДИЁТ

## КИЧИК БИЗНЕСДАН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР САРИ

**Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Бунда, албатта, тадбиркорларнинг улуши катта. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиёт тараққиётини жадаллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини яхшилашнинг устувор йўналишларидан биридир.**

Юртбошимизнинг соҳага доир қатор фармон ва қарорлари, изчил амалга оширилаётган кенг қамровли дастурлар, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш борасида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар катта самара бераётир.

Ҳозиргача вилоятимизда 40 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтди. Бунинг учун банклар қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган 313 миллиард 431,5 миллион сўмдан зиёд кредит ажратди.

– Шунинг эвазига минглаб янги иш ўринлари яратилди, – дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Файзулла Толибов. – Аҳолининг иш билан таъминланиши эса фаровонликнинг етакчи омилларидан биридир.

Дарҳақиқат, яратилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланаётган ишбилармонлар чекка қишлоқларда ҳам кичик бизнесни йўлга қўяётгани, соҳа ривожига етарли туртки бўлиб, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Зангиота туманида 5 мингга яқин, Паркент туманида 4 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатяпти. Янгийўлда истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари 3 мингдан ошди. Бўстонлиқ, Бўка, Юқори Чирчиқ туманларида тадбиркорлик тармоқлари 2 мингтага етди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва қурилиш ашёларига талабини қондириш йўлида кўп ишлар қилиняпти. Янгийўлнинг Эски қовунчи қишлоғидаги турли кўринишда эшик, ром, плинтус ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Двери Акбар инвест" масъулияти чекланган жамиятида 100 га яқин киши меҳнат қилаяпти.

– Ҳар куни буюртмага қараб 10-15 та эшик ва ром тайёрлаймиз. Бунда хориждан келтирилган техникалар яхши иш беряпти, – дейди корхона ишчиси Азиз Шермуҳаммедов. – Бу технологиялар куч ва меҳнат сарфини тежаб, маҳсулотларнинг сифатли чиқишини таъминлаяпти.

(Давоми 2-бетда).

МАЪНАВИЯТ

# ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Ўтган йилги кўрсаткичлар билан солиштирилганда вилоят ҳудудида экологик вазиятнинг барқарорлигини сақлаш ва уни яхшилаш борасида бир мунча ишлар олиб борилаётгани, жумладан, 2012 йилда 331 та корхонада 1034 банддан иборат тадбир амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, 53 млрд. сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Ўтган 9 ойда корхона ва ташкилотлар томонидан 955 тадбир бажарилиб, 46 млрд. сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Амалга оширилган тадбирлар эвазига 2012 йилнинг 9 ойи давомида атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар 14,413 минг тоннага камайди ва 2 миллион куб метр ичимлик суви тежалди. Чиқиндини қайта ишлаш корхоналари 1 миллион тоннадан зиёд чиқиндини қайта ишлади ва таркибида симоб моддалари бўлган 35 минг дона лампа зарарсизлантирилди.

Шунингдек, ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда шу йилнинг 9 ойи давомида 4013 та автотранспорт воситаси газ ёқилғисига ўтказилди. Шу муносабат билан атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлос моддалар деярли 2 минг тонна камайди.

Ёшларда табиатга меҳр-муҳаббатни янада юксалтириш мақсадида табиатдан фойдаланувчилар ўртасида, коллеж ва мактабларда учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди ҳамда қўмита ҳомийлигида атроф-муҳит муҳофазасига оид ўқув адабиётлари, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган баннер, плакат ва бошқа қуроллар билан таъминланди.

Энг асосийси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоят ҳудудида экологик тарғибот, таълим-тарбия ишларини янада жонлантириш мақсадида, ўз нашри "Эко мувозанат" газетаси ва веб-сайтини жорий этди. Ҳозирги кунда "www.toshvileco.uz" веб-сайти маълумотлар билан тўлдирилмоқда. Ушбу веб-сайт вилоят қўмитасининг барча тизимлари билан узвий боғланиш ва электрон ҳужжатлар айланмасини амалга ошириш имконини бермоқда. Фуқаро ва тадбиркорларга қулай томони эса, ушбу веб-сайтга кириб, ўзларига тегишли бўлган маълумотларни, яъни вилоят қўмитаси тизимлари билан танишиш, давлат инспекторлари хўжалик юритувчи субъектларда ўтказадиган текширишлар натижалари каби маълумотларни олиш имконига эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, концепцияда таъкидланган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасидан кўзда тутилган мақсад табиат муҳофазаси барчага дахлдор, ҳар бир фуқаро учун улкан масъулият эканини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйишдир. Оддий қилиб айтганда боғча боласидан тортиб, нуроний ёшдаги кексаларимиз ҳам бу эзгу мақсад, хайрли саъй-ҳаракатлардан четда туриши мумкин эмас. "Қуш уясида кўрганини қилади" дейишади. Саранжом-саришта, озода, обод хонадонда ўсаётган ёш авлод борки, она табиат неъматларини хор қилмайди, асраб-авайлайди. Яшнаб турган боғу бўстонларнинг, ҳар бир дарахт, майса, қўйингки, она замин, муқаддас тупроқни эъзозлайди. Дунё миқёсида камёблашиб кетаётган ичимлик сувининг бир томчисини ҳам беҳуда исроф қилмайди. Бунинг учун биз, катталар, ўқитувчи-мураббийлар, ота-она, корхона ёки ташкилот раҳбарлари шахсий ибрат кўрсатишимиз зарур.

Табиатдаги бугунги ўзгаришлар, экологик муаммолар инсониятнинг диққат марказида турибди. Инсон 90 фоиз озуқани табиатдан олади. Бундан кўриниб турибдики, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳаёт тақозосидир.

**Насима АҲМЕДОВА, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

# АЁЛЛАРНИНГ НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Бу борада ижтимоий шериклик масаласига алоҳида эътибор бериш, давлат ва жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарур...

(Давоми. Боши 1-бетда).



Конференцияда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг "Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси"дан келиб чиқадиган вазифалари, "Хотин-қизларнинг мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, оилани мустаҳкамлаш жараёнларидаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури" атрофлича муҳокама қилинди ва таклифлар билдирилди.

Хотин-қизлар қўмитасининг бундан кейинги фаолиятида ҳам аёллар фаоллигини кенгайтириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, хотин-қизлар ўртасида касаначилик, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, хотин-қизлар ва оилалар спортини ривожлантириш, эрта ва ноқонуний никоҳларнинг олдини олиш каби бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишга қарор қилинди. Бунда барча жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Конференцияда вилоят хотин-қизлар қўмитаси бошқарувини, назорат-тафтиш комиссиясини, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайлаш каби ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Еркебой БОТИРОВ, Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида "Акциз солиғи – қўллаш амалиёти" мавзусида семинар ўтказилди.**

# АКЦИЗ СОЛИҒИ: АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА

Тадбирда мутахассислар чакана савдонинг барча турларини, яъни воситачилик, фирма дўконлари орқали мусодара қилинган ёки давлат корхоналарига тегишли бўлган товарларни ўз ичига олишини яна бир бор таъкидлашди. Солиқ кодексига мувофиқ, табиий газ, автомобиль, олтиндан ишланган заргарлик буюмларидан ташқари, барча маҳсулотлар учун фақат ишлаб чиқарувчи корхона акциз солиғи тўловчиси бўлиб ҳисобланиши яна бир бор эътироф этилди. Бунда солиқ маҳсулотнинг заводдан чиқиш босқичида тўланади. Масалан, акциз тўланадиган товар ҳисобланган ўсимлик ёғини сотиш билан шуғулланаётган корхона ушбу солиқни тўламайди.

Семинарда акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ҳисоби, унинг реализацияси ва ҳисоботи билан боғлиқ мавзудаги саволлар ҳам муҳокама қилинди.

**"Туркистон-пресс".**

# СОҒЛИККА НЕ ЕТСИН

**1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан вилоят саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамда унинг жойлардаги филиаллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида вилоят шаҳар ва туманларида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.**

"Ноль сари мақсад йўналтирилган!", "Янги ОИВ инфекцияларига ноль!" каби бир қатор шиорлар остида ўтаётган тадбирларда маҳалла фаоллари, коллеж, лицей ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этишмоқда. Мутахассислар уларга бу бедаво дарднинг юқиш манбалари, унинг аянчли оқибатлари, ОИТСдан сақланиш йўлларини тушунтириб беришмоқда.

Иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишмоқда.

**Фарида КОМИЛОВА, вилоят саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассиси.**

**8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

**XX аср ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида давр бўлиб қолади. Чунки, мустақил давлат мақомини олгани ва янги Конституциясини қабул қилгани икки муҳим тарихий воқеа сифатида Ўзбекистоннинг тенглар ичра тенг бўлишига асос солди.**

# ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛОВЧИ ҚОМУС

Конституциямиз барчамиз учун ҳаётий дастуриламалдир. Уни ҳаётга татбиқ этиш учун фуқаро, мансабдор шахс, ўқувчи, талаба, олим – барчамиз ҳар бир моддасини ўқиб, ўрганиб боришимиз, маъно ва моҳиятини англаб етишимиз лозим. Конституция ижтимоий-сиёсий тафаккуримизни бойитишда, жамият ва давлат олдидаги бурчларимизни бажаришда, ўз ҳуқуқларимиздан тўлиқ фойдаланишимизда асосий манба ҳисобланади.

Конституциянинг биринчи моддалариданоқ мустақил Ўзбекистон халқи ўзининг тарихий анъаналарига содиқ қолгани ҳолда, унинг мақсади дунё ҳамжамияти қаторида тенглар ичра тенг, ўзаро ҳурмат, тинчлик, демократия тамойилларини ҳимоя қилишга, унга содиқ бўлишга қарор қилганлигини кўрамиз. Конституциянинг 13-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади". Кўриниб турибдики, бизда инсон қадр-қиммати олий қадриятдир.

Конституциямизда муҳрланган кўплаб ҳуқуқий меъёрлар ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги бурчлари, умуминсоний қадриятлар, миллий шаъни, диний эътиқодларга муносабат масалалари, оммавий ахборот воситаларининг эмин-эркин фаолияти, давлатни бошқариш усуллари, ички ва ташқи сиёсат юритиш, суд-прокуратура фаолиятини белгиловчи моддалар, Конституция ҳамда қонунларнинг устунлиги, оилага оид моддалар халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи янада фаровон бўлишига хизмат қилмоқда.

**Ҳабиб ТОШЕВ, Қодир БЎРЛИЕВ, 2-давлат нотариал идораси нотариуслари.**

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ



# 280 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

**Қибрай тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасини ташкил этди.**

Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтган тадбирда 70 дан ортиқ ташкилот ва корхона 512 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

– Ярмаркада 818 фуқаро иштирок этди, – дейди марказ директори Шукур Нуриллаев. – Шундан 606 нафари коллеж битирувчиларидир.

Ярмарка давомида 280 киши ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Шунингдек, ярмарка иштирокчиларига ҳамкор ташкилотлар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ТАНЛОВ

# ЭНГ ЯХШИ САЛОМАТЛИК БУРЧАГИ

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга амалий ҳисса қўшиш мақсадида Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда "Энг яхши саломатлик бурчаги" танловини ташкил этган эди.**

Махсус тайёрланган Низомга асосан танлов уч босқичда ўтказилди. 1-босқич умумтаълим мактаблари ўртасида туман (шаҳар)лар, 2-босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида бўлиб ўтди. Ушбу босқичларда ғолибликни қўлга киритган биттадан (жами 14 та) мактаб ўртасидаги якуний учинчи босқич шу йилнинг май ойида ўтказилди.

Танлов ташкилотчиларидан бўлган 5 кишидан иборат ҳайъат аъзолари мактаблардаги мавжуд тиббиёт хоналарининг тўғри жиҳозланганлиги, яъни фавқулодда бахтсиз ҳодисалар рўй берганда биринчи ёрдам кўрсатишга тайёр эканлиги, мактаб ҳамшираси билан синф саломатлиги сектори орасида ҳамкорлик ва "Ораста қизлар" тўгарагининг қай даражада йўлга қўйилгани, "Саломатлик" бурчагидаги деворий газетанинг долзарб мавзуларни қамраб олганлиги, керакли маълумотлар билан бойитилганлиги, доимо янгиланиб борилишини ҳисобга олиб, ғолибларни аниқлашди.

Танловнинг республика босқичида муваффақиятли иштирок этган мактаб жамоаларини ва "Энг яхши саломатлик бурчаги" кўрик-танлови ғолиблари ҳамда номинация соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Чирчиқ шаҳридаги 7-мактаб ўқувчилари "Энг яхши саломатлик бурчаги" танловининг республика босқичида ғолиб бўлишди.

Иккинчи ўринни Денов туманидаги 77-, учинчи ўринни Наманган шаҳридаги 57-мактаб ўқувчилари эгаллашди.

Шунингдек, якунловчи босқичда "Энг яхши саломатлик тарғиботчиси" ва "Энг яхши саломатлик посбони" номинациялари бўйича ғолиблар ҳам аниқланди.

Танлов ҳамда номинациялар бўйича ғолибларга махсус диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ



# ЗАНГИОТА ФЕРМЕРЛАРИ АНЖУМАНИ

**Зангиота туман фермерлар кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.**

Иштирокчилар туман фермерлар кенгашини таъсис этиш, унинг низомини тасдиқлаш ва кенгаш аъзолари ҳамда раисини сайлаш масалаларини кўриб чиқишди. "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Тўхтаниёзов, "Санобар-Нилуфар" фермер хўжалиги раҳбари Авазхон Синдоров ва бошқа нотиқлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган вазифалар фермерлик ҳаракатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаражагини таъкидлашди.

– Биз мамлакатимиз аграр секторида юз бераётган кенг кўламли ўзгаришларнинг бевосита иштирокчилари эканлигимиз билан фахрланамиз, – дейишди нотиқлар.

Конференция туман фермерлар кенгашини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, унинг низомини тасдиқлади. Туман фермерлар кенгаши аъзолари сайланди. "Муяссар-Адолат" фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Тиллаев кенгаш раислигига тайинланди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

**СУРАТДА:** таъсис конференцияси қатнашчилари Аброр Ҳайдаров (чапдан), Зикрилла Қодиров ва Шукрулло Аъзамхўжаев.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Ўрта Чирчиқ тумани Ангор қишлоғидаги "Нажот" шифохонаси биноси бир мунча вақт қаровсиз, таъмирталаб бўлиб ётган эди.**

# «АВРОРА-ТИМЕС» ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Кейинги бир-икки ой ичида бинонинг биринчи қавати таъмирланиб, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда чиқинди пиллаларни қайта ишлаб, сифатли маҳсулотларга айлантирадиган "Аврора-Тимес" фирмаси фаолият кўрсата бошлади.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

ИҚТИСОДИЁТ



# КИЧИК БИЗНЕСДАН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР САРИ

– Корхонамизда асосан ёшлар ишлайди, – дейди корхона раҳбари Ғайрат Турсунов. – Эришилаётган натижаларимиз яратилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, янги лойиҳаларни амалга оширишга ундаяпти. Шунингдек, туманда енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган "Янгийўл пишлоқ саноат" хусусий корхонаси, "Неогарм Фарм", "Elnur and Ruslan", "Espert Konstruktion" ҳамда "Парасту қанди" масъулияти чекланган жамиятлари қатор тадбиркорлик корхоналари ҳам самарали фаолият юритмоқда.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналарнинг кўпайиб бораётгани тадбиркорлик субъектлари ўртасида рақобатни юзага келтириб, маҳсулотнинг сифатли бўлиши ҳамда нархи тушишини кафолатлаяпти. Энг муҳими, аҳолининг ишсиз қатламини камаймоқда.

– Инвестиция киритиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектлари юздан ошди, – дейди Паркент тумани ҳокимлигининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Ҳасан Ҳаққулов. – "Паркент голд чиккинг", "Паркент тош карьери", "Илдиз Паркент агро", "Замона Раъно", "Заркент қишлоқ сервис", "Бедад агро", "Сўқоқ шароб" каби хусусий корхона ва масъулияти чекланган жамиятлари яқинда ишга тушган бўлишига қарамай, яхши натижаларга эришмоқда.

Ички ва ташқи бозорларимиз сифатли маҳсулотлар билан тўлаётгани, энг асосийси, уларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани кишини қувонтиради. "Паркент тош карьери" масъулияти чекланган жамияти 531,9 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиб, 20 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этди, майдаланган қум-шағал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Бошланишида бу осон кечмади, – дейди корхона раҳбари Одилхўжа Холхўжаев. – Боиси, четдан келтирилган техника ва технологияларни ўзлаштириб олиш ва ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйгунимизча кўп вақт кетди. Эндиликда корхона ишчилари, операторлар янги технологик жараёнларни пухта ўзлаштиришди. Ҳар сменада 100 куб метр майдаланган тош тайёрлашяпти. Бугунги кунгача маҳсулотлар 25 миллион сўмликдан ошди.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**СУРАТДА:** «Паркент тош карьери» корхонасида иш жараёни.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

**Ўрта Чирчиқ қишлоқларида эл-юртда таниқли, тинимсиз меҳнати билан мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган хонадонлар сероб. 1991 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маиший хизмат ходими унвонига сазовор бўлган Тешабой Мирзакаримов оиласи шулардан бири.**

# ҒАЙРАТДАН УНГАН БАРАКА

– Қани энди қирқ ёшдаги куч-қувватим бўлса-ю, мустақил Ватанга ўша ёшдаги ғайратим билан хизмат қилсам! – дейди Тешабой ота. – Лекин Аллоҳга шукрки, ёшим етмиш бешдан ошса ҳам пахтазор, ғаллазорларни кезиб, меҳнат қилиб юрибман.

Тешабой ота билан суҳбатимиз қизғин кечди. Кекса фермер ўз хўжалигининг оёққа туриб олиш босқичларини эслади, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари, режалари ҳақида гапириб берди.

"Мирзакаримов Тешабой ота" фермер хўжалиги ташкил этилганида дастлаб 20 гектар майдонда деҳқончилик қилишга киришди. Кейинроқ экин майдонлари 59,8 гектарга етди. 2006 йили "Истиқлол" ширкат хўжалигини тугатиш жараёнида тендерда ғолиб чиқиб, ерларини яна 83,9 гектарга кенгайтирди.

– Ўша йили обдон меҳнат қилдик, – эслайди кекса фермер. – 73,2 гектар майдонда пахта, 46,5 гектар майдонда ғалла етиштирдик. Ҳосил ҳам меҳнатимизга яраша бўлиб берди. 187,5 ўрнига 239,7 тонна пахта, 110 ўрнига 140 тонна ғалла сотдик. Пахтамизнинг 88 фоиздан ортиғи биринчи навга қабул қилинди. Шу ҳисобдан даромадимиз деярли 97 миллион сўмга борди.

Бундай ютуқларга эришиш фермер учун осон кечгани йўқ, албатта. Кўп йиллик ҳаётий тажриба, малакали ҳисоб-китоб ва истиқболни кўзлаб пишиқ-пухта тузилган бизнес-режаларнинг изчил амалга оширилиши бунда муҳим омил бўлди.

Фермер асосий эътиборни дала ишларини кўпроқ техника зиммасига юклашга қаратади. Бунинг учун янги техника ва турли мосламалар олишга маблағини аямайди. Фермер хўжалиги 7 та трактор, "Олтой" бульдозери ҳамда экскаваторга эга бўлди.

Чорвачиликни ривожлантиришга киришилгани фермер хўжалиги учун янги имкониятлар очди. Қорамоллар ва қўйлар қаторида ҳатто чоғроқ ғоз ва товуқчилик фермалари ҳам ташкил этилди. Чорва маҳсулотлари биринчи навбатда ишчи-хизматчиларнинг озиқ-овқат таъминотига, кам таъминланган оилаларга сарфлана бошланди.

– Фермер хўжалиги фақат деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмаслиги лозим, – ишонч билан сўзлайди Тешабой ота. – У қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳақида ҳам ўйламоғи керак.

Фермер хўжалиги шу йўлдан бориб, барқарор ривожланмоқда. Қишлоқда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдони ривожлантиришга қаратилган бизнес-режалар муваффақиятли амалга оширилди. Шоли ва ун тегирмонлари, ошхона, дорихона, сартарошхона ишга туширилди. Ишчи ўринлари кенгайиб, муқим меҳнат қилувчи ишчи-хизматчилар 124 кишига етди.

Хайр-саховат, турли ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш бу фермер хўжалигида яхши анъанага айланган. Таълим-тарбия муассасалари, кам таъминланган ўнлаб оилалар унинг моддий кўмагидан баҳраманд бўлишаяпти. Саховатли фермер амалга ошираётган савоб ишлар доираси ниҳоятда кенг. У тўлалигича ўз ҳисобидан ўтказиб бераётган никоҳ тўйлари натижасида қурилган ёш оилалар бахтиёр турмуш кечиришяпти.

Хўжалик бу йилни ҳам муваффақиятли якунлаяпти. Буғдой ҳосили баракали бўлди. 178 ўрнига 348 тонна дон етиштирилди. 69 гектар майдондан 40 центнердан ошириб хирмон кўтарилди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

# ПАҚИЛДОҚНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТИ

**Ҳадемай, Янги йил байрами муносабати билан кўча-кўйда пақилдоқнинг овози эшитила бошлайди. Қўшни давлатларда тайёрланадиган бу пиротехника воситаларини мамлакатимизга олиб кириш ва сотиш тақиқланган. Чунки бу асаббузар пақилдоқларнинг зарари кўпчиликка маълум. Айниқса, ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига мутлақо зидлиги билан хавфлидир.**

Қаровсиз қолган болалар тайёрлаб отаётган ясама портлагичлар томларга ёки бўғот қисмига тушса, албатта ёнғин чиқади. Халқимиз азалдан тўйларга атаб йиққан мол-мулк, уй-жой бир неча дақиқада куйиб, кулга айланиши мумкин. Бироқ, айрим ота-оналар уларни ҳамон ўйинчоқ сифатида фарзандларига олиб бераяптилар. Ёнғин хавфсизлиги хизмати маълумотларига кўра, пиротехника воситаларини ўйнаш оқибатида 50 га яқин бола турли даражада жароҳат олиб, шифохоналарга тушган. Масалан, Тошкент шаҳрида яшовчи Ю. Кариминнинг қўлида пақилдоқ портлаб кетиб, бир кўзи кўр бўлиб қолди. Қуриб ётган пичан пақилдоқ учқунидан аланга олиб, катта ёнғинга айланган ҳоллар ҳам кўп учраяпти.

Шу ўринда мактаб педагоглик жамоаси, маҳалла фаоллари, кўча оқсоқоллари, ота-оналар хушёр бўлиб, болаларнинг пақилдоқ ўйнашларига йўл қўймасликлари, бундай хавфли ўйинчоқларни сотаётганларни аниқлаб, ички ишлар идораларини хабардор қилишлари жоизлигини таъкидламоқчимиз.

**Ф. САЙДИЛЛАЕВ,**
**24-ҲЁХК катта инспектори.**

**Вазирлар Маҳкамасининг 20 ноябрдан 20 декабрга қадар "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказиш тўғрисидаги қарори талабларини бажариш мақсадида вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бир ой давомида бажарилиши лозим бўлган тадбирлар режасини тузиб, амалга оширмоқда.**

Ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар-жойларида содир бўлаётгани боис давлат ёнғин назорати ходимлари, профилактика нозирлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, газ ва электр идоралари мутахассислари билан ҳамкорликда ойликнинг ўтган даврида 25 мингдан ортиқ аҳоли тураржойлари, 400 дан ортиқ кўп қаватли уйлар ва улардаги хонадонларнинг ёнғинга қарши ҳолатини кўздан кечиришди.

# ХОТИРЖАМЛИК – ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Афсуски, айрим фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги масалаларига эътиборсизлиги сабабли иситиш ва газ мосламалари мавсумдан олдин таъмирланмагани, иситиш печларининг дудбуронлари тозаланмагани, баъзи хонадонларда ўзбошимчалик билан лойиҳа талабларига зид турли иситиш печларини ўрнатиш, газ ускуналарини бошқа жойга кўчириш ҳолатлари аниқланмоқда. Бу ёнғинлар кўпайишига олиб келади. Шу боис, давлат ёнғин назорати ходимлари бундай нуқсонларни бартараф этиш, носоз газ ва электр, рўзғор асбоб-ускуналаридан фойдаланишнинг олдини олиш чораларини кўришмоқда.

Аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғибот қилиш мақсадида маҳаллаларда 295 марта ва уй-жой мулкдорлари ширкатларида 62 марта учрашув ўтказилиб, фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари тушунтирилди.

Ойликни юқори савияда ўтказиш мақсадида 395 та умумтаълим мактаблари ва боғчаларда, олий ва ўрта махсус билим юртлари, тиббиёт муассасалари, халқ хўжалиги объектларида ўқувчи, талаба ва аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, 60 мингдан ортиқ эслатмалар тарқатилди.

Вилоят ҳудудидаги халқ хўжалиги корхоналари, маҳалла ва уй-жой мулкдорлари ширкатларида 650 тадан ортиқ ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Фуқароларни ёнғин ўчириш техникалари ва қуроллари, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таништириш мақсадида аҳоли кўп йиғиладиган майдонларда, истироҳат боғларида, ўқув юртлари ва маҳаллаларда ўт ўчириш техникаларининг намойиш этилмоқда. Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий объектлар, умумтаълим мактаблари ва боғчалар, олий ва ўрта махсус билим юртлари ва тиббиёт муассасаларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатлари қайта текшириб чиқилиб, тегишли кўрсатмалар берилмоқда ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

**Фахриддин АБДУМАВЛОНОВ,**
**вилоят ЁХБ катта муҳандиси.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР




### «REAL AUKSION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Чиноз тумани СИБ томонидан: I. 2011 йил 31 октябрдаги № 404-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти Чиноз туманидаги ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 Т 635 АА бўлган, "ГБА СПГ ВАЗ-21063" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

II. 2012 йил 17 сентябрдаги № 11-1235/9525-сонли ижро варақасига асосан "Чиноз Охунбобоев" ММТПда сақланаётган: 1. 1986 й. и/ч., двигатель рақами № 118920, "МТЗ-80Х" русумли, бошланғич баҳоси – 2 400 000 сўм бўлган; 2. 1986 й. и/ч., двигатель рақами № 118931, "МТЗ-80Х" русумли, бошланғич баҳоси – 2 400 000 сўм бўлган; 3. 1987 й. и/ч., двигатель рақами № 238463, "МТЗ-80Х" русумли, бошланғич баҳоси – 2 500 000 сўм бўлган; 4. 1987 й. и/ч., двигатель рақами № 258493, "МТЗ-80Х" русумли, бошланғич баҳоси – 2 500 000 сўм бўлган; 5. 1988 й. и/ч., двигатель рақами № 238910, "МТЗ-80Х" русумли, бошланғич баҳоси – 2 500 000 сўм бўлган; 6. 1987 й. и/ч., двигатель рақами № 257322, "МТЗ-80Х" русумли, бошланғич баҳоси – 2 500 000 сўм бўлган; 7. 1988 й. и/ч., двигатель рақами № 350052, "МТЗ-80Х" русумли, бошланғич баҳоси – 2 846 000 сўм бўлган; 8. 1989 й. и/ч., двигатель рақами № 441664, "МТЗ-80Х" русумли, бошланғич баҳоси – 2 846 000 сўм бўлган; 9. 1990 й. и/ч., двигатель рақами № 635446, "МТЗ-80Х" русумли, бошланғич баҳоси – 2 848 000 сўм бўлган тракторлар қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 28 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 14 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ХЁАТБ "HI-TECH BANK"даги қуйидаги махсус аукцион ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904996600001, МФО 01066, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

**Гувоҳнома № 006795.**

### «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 22.03.2010 й. ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч. "ВТ-150", д/р 0158 ЕД. Бошланғич баҳоси – 31 461 400 сўм. "Қибрай ЭКО ДУК" омборхонасида сақланмоқда. 2. 22.03.2010 й. ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. "Прицеп 2 ПТС-4", д/р 3501 ЕК. Бошланғич баҳоси – 3 744 000 сўм. "Арғин Савдо" УК омборхонасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 13 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 3. 20.06.2011 й. № 15722-сонли ижро ҳужжатига асосан "НК-65/35-70Г1АС (НК200/120)" русумли насос. Бошланғич баҳоси – 122 472 792 сўм. 4. 20.06.2011 й. № 15722-сонли ижро ҳужжатига асосан "10 КСИ 212,7-калибратор, 8 КСИ 292,1-калибратор". Бошланғич баҳоси – 158 140 000 сўм. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўктерак Матлубот Инвест" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 28 декабрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 14 январь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

**Гувоҳнома № 004593.**

### «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2012 йил 28 декабрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилган:

I. Чилонзор туман СИБ томонидан 28.12.2010 йилдаги 10-1004/16212-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С. Алимова кучаси, 102-уйда сақланаётган, 8 турдаги алюминдан ишланган яшил рангли киоска (paynet бутка). Бошланғич нархи – 98 544 344 сўм.

II. Яккасарой туман СИБ томонидан 21.08.2012 йилдаги 10-1219/13285-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Юқумли касалликлар шифохонаси ҳудудида сақланаётган 9 турдаги 20 дона салқин ичимликларни бутилкаларга қуйиш учун мўлжалланган технологик линияси. Бошланғич нархи – 500 000 000 сўм.

III. Республика суд департаменти томонидан 23.07.2012 йилдаги 1-185г/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган "Шарқли Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 1. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 R 216 JA бўлган "Лексус GX470" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 160 507 000 сўм. 2. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 701 AAA бўлган "NISSAN ALTIMA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 62 308 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 15 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

2012 йил 14 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилган:

1. Миробод туман СИБ томонидан 09.07.2012 йилдаги 24510/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 L 221 FA бўлган "Мерседес Бенц S350" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 207 000 000 сўм. 2. Ҳамза туман СИБ томонидан 2.02.2012 йилдаги 2-216/21-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 479 КА бўлган "Эсперо" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 367 061 сўм. 3. Ҳамза туман СИБ томонидан 2.02.2012 йилдаги 2-216/21-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1998 йилда и/ч., дав. бел. 01 W 272 DA бўлган "Леганзе" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 19 817 948 сўм. 4. Ҳамза туман СИБ томонидан 12.03.2012 йилдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1994 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 521 СА бўлган "Мерседес Бенс 100Д" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 14 676 000 сўм. 5. Ҳамза туман СИБ томонидан 2.02.2012 йилдаги 2-216/21-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 N 380 FA бўлган "Нексия Донс" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 24 250 000 сўм. 6. Ҳамза туман СИБ томонидан 19.02.2012 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 O 414 GA бўлган "Нексия Сонс" русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 29 099 127 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

**Гувоҳнома № 006388.**

### «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

**компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.**
**Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.**
**Тел.: 244-39-47, 244-50-54.**

### «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 21.05.2012 й. ижро варақасига асосан Ўрта Чирчиқ тумани, Ли Николай кўчаси, 18-уйда жойлашган бино ва иншоот. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. 2. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 5078-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В. Хайдаров кўчаси, 27-уй, 3 хонадон. Бошланғич баҳоси – 9 101 093 сўм. 3. Қибрай тумани СИБ томонидан 24.07.2012 й. № 11-1026/20410-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й., Алишеробод кўчасида жойлашган иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 130 795 090 сўм. 4. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 27.08.2012 й. № 11-1125/10219-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Думалоқ қишлоғида жойлашган автокорхона бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 852 779 200 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар 2012 йил 28 декабрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 14 январь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

**Лицензия: RR-0052.**

### Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида республика ҳамда маҳаллий нашрларга 2013 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

**ОБУНАГА КЎМАКЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ**

вилоятнинг барча туманларида филиаллари мавжуд.

| | |
|---|---|
| Вилоят обуна бўлими: | 8-370-233-13-04 |
| Ангрен шаҳар филиали: | +998909018188 |
| Бекобод шаҳар филиали: | +998909592863 |
| Бекобод туман филиали: | +998935978107 |
| Бўстонлиқ туман филиали: | +998933790791 |
| Зангиота туман филиали: | +998909764793 |
| Олмалиқ шаҳар филиали: | +998909336608 |
| Оҳангарон туман филиали: | +998935082299 |
| Ўрта Чирчиқ туман филиали: | +998903531614 |
| Чиноз туман филиали: | 8-370-59-31-331 |
| Чирчиқ шаҳар филиали: | +998944025333 |
| Юқори Чирчиқ туман филиали: | +998935087267 |
| Пискент туман филиали: | +998936197733 |
| Қибрай туман филиали: | +998936138316 |
| Янгийўл туман филиали: | 8-370-60-22-034 |

Гувоҳнома № 000690.

### «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Зангиота туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент вилоят Зангиота туманлараро судининг 2012 йил 5 июлдаги 1-4090\12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, У. Юсупов кўчаси, 78-уй манзилида жойлашган, 2006 йилда қурилган уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 65 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 4 январь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 2 январь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz.

**Лицензия: RR-0001.**

### «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 9 сентябрдаги 11-1128/12838-сонли ижро ҳужжатига асосан, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Чирчиқ кўчасида 66-уйда жойлашган, умумий майдони 0,055 га, қурилиш майдони 400,16 кв.м иборат бўлган дўкон биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 312 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 26 декабрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz.

**Лицензия: RR-0001.**

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Янгийўл шаҳар Кенгашига 03.09.2004 йилда берилган 418-сонли, Пискент тумани Кенгашига 10.09.2004 йилда берилган 422-сонли, Ангрен шаҳар Кенгашига 26.06.2006 йилда берилган 505-сонли, Ўрта Чирчиқ туман Кенгашига 25.05.2007 йилда берилган 528-сонли, Қибрай туман Кенгашига 13.08.2007 йилда берилган 559-сонли, Янгийўл туман Кенгашига 29.08.2007 йилда берилган 565-сонли, Қуйи Чирчиқ туман Кенгашига 10.09.2007 йилда берилган 567-сонли, Паркент туман Кенгашига 11.12.2007 йилда берилган 576-сонли ҳамда Зангиота туман Кенгашига 20.02.2008 йилда берилган 580-сонли партия Устави ва гувоҳномаларининг асл нусхалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

### «Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 2012 йил 9 октябрдаги 5-2583/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ омборида сақланаётган "Ваз-2101" русумли, д/р 11Y7731 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 3 343 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 26 декабрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов хужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

**Гувоҳнома № 006231.**

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2012 йил 23 ноябрдаги 55-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:**

**Чиноз туманидаги**
**"ASADBEK TRANS SERVIS"**
**ХКа тегишли:**

-"Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 29 февраль куни берилган "АТ" серияли 000489 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2012 йил 23 ноябрдан бошлаб 10 (ўн) иш кунига тўхтатилиши тўғрисида маълумот беради.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ФУТБОЛ

# ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан ўтказилаётган Ўзбекистон кубогининг ярим финал учрашувлари якунланди.**



Кубокнинг ўтган йилги соҳиби – "Пахтакор" футболчилари "Бунёдкор" билан ярим финалнинг биринчи учрашувида сафарда 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаганди. Лекин жавоб учрашувида 1:3 ҳисобида ютқазди. Миржалол Қосимов шогирдларини финалга олиб чиққан голлардан иккитаси Шавкат Саломов, биттаси Акмал Шораҳмедов ҳисобига ёзилди. "Пахтакор"чилардан Темурхўжа Абдухолиқов гол урди.

Иккинчи ярим финалда "Бухоро" ва "Насаф" ўзаро рақобатлашди. Дастлабки учрашувда ўз майдонида 2:0 ҳисобида ғалаба қозонган "Насаф" футболчилари жавоб учрашувида мезбонларнинг жиддий қаршилигига дуч келди. "Бухоро" жамоаси ўз тарихида илк маротаба финалга чиқиши учун учта гол уриши талаб этиларди. Бухороликлар бунинг уддасидан ҳам чиқди: Шаҳзод Сулаймонов иккита ва Баҳриддин Ваҳобов битта голга муаллифлик қилди. Бироқ "Насаф" футболчилари иродали ўйин кўрсатиб, ҳисобни тенглаштирди. Тўпларни Мақсуд Каримов, Кенжа Тўраев, Суҳроб Неъматов киритди. Икки ўйин натижасига кўра 5:3 ҳисобида ғалаба қозонган қаршилик чарм тўп усталари кетма-кет иккинчи маротаба мамлакат кубоги финалида тўп сурадиган бўлди.

Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви 30 ноябрь куни "Пахтакор" марказий стадионида ўтказилади. Бош совринни қўлга киритган жамоа келгуси мавсумда Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ШАХМАТ

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида давом этаётган Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) гран-приси иккинчи босқич баҳсларида Рустам Қосимжонов мағлубиятсиз ўйнамоқда.**

# БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА



Тажрибали гроссмейстеримиз озарбайжонлик Шаҳриёр Мамадиёров, украиналик Руслан Пономарёв, кубалик Леньер Домингес Перес ва россиялик Сергей Карякинга қарши партияларда дуранг ўйнади. Ҳамюртимиз тўрт тур натижасига кўра икки очко жамғарди.

Тўртинчи турнинг қолган баҳсларида хитойлик Ванг Хао америкалик Гата Камскийни, россиялик Пётр Свидлер украиналик Руслан Пономарёвни, италиялик Фабиано Каруана исроиллик Борис Гельфандни мағлубиятга учратди. Россиялик Александр Морозевич ва озарбайжонлик Шаҳриёр Мамадиёров, кубалик Леньер Домингес Перес ва венгриялик Петер Леко ўртасидаги баҳслар дуранг билан якунланди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ҲУНАРМАНДЛИК

# ҲАМ САНЪАТ, ҲАМ ТИЖОРАТ

**Миллий санъат марказида "Bazar-Art" анъанавий кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг "Ijod" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма-ярмаркада мамлакатимиз уста ва ҳунармандлари ўз ижод намуналари билан иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий ҳунармандликни ривожлантириш, уста ва ҳунармандлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ҳар йил баҳор ва куз фаслларида ўтказиладиган "Bazar-Art" анъанавий кўргазма-ярмаркаси ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мазкур лойиҳа қатнашчиларидан бири – Обиджон Нарзуллаев Ғиждувон кулолчилик мактаби вакили, қўли гул усталарнинг еттинчи авлоди. Шу билан бирга, тумандаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга кулолчилик сирларини ўргатмоқда.

– "Bazar-Art"да элликдан зиёд турдаги маҳсулотимиз билан қатнашдик, – дейди О. Нарзуллаев. – Бундай кўргазма-ярмаркалар юртимизнинг турли ҳудудларидаги ҳунармандлар ижоди билан яқинроқ танишиш, ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамиятга эга.

Уч кун давом этган кўргазма-ярмаркада ҳунармандликнинг турли йўналишларига оид маҳсулотлар ҳамюртларимиз, хорижлик меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, зардўзлик, қўғирчоқсозлик, кулолчилик бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Тадбир якунида турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган уста ва ҳунармандларга дипломлар, махсус грантлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

БИРНИ КЎРИБ, ФИКР ҚИЛ...

# ЙЎЛДА



Йўл тасодифларга тўла. Ангрен йўналишидаги автобус ҳадеганда келавермагач, йўловчи машиналардан бирига ўтирдим. Хорижий русумдаги енгил автомашинанинг орқа ўриндиғига мен, кекса бир отахон, ёшгина йигитча жойлашдик. Рулда барваста йигит, унинг ёнида пўрим кийинган, кўзида қора кўзойнак, оғзида сақич алпқомат қирқ ёшлардаги киши яланг оёқларини "бардачок"ка қўйганча, бамайлихотир қўлларини қовуштириб ўтирарди.

Елдек учиб бораётган машина олдида кетаётганларни четлаб ўтар, йўл бермаганларга қаттиқ сигнал чалиб, рўпара келгач, дўқ қилиб кетиб борарди. Чет эл фильмларида кўрадиганим ваҳимали пойгани эслатадиган манзарадан юрагимни ҳовучлаб, кўзимни чирт юмиб олдим. Ёнимдаги қариянинг ҳам ҳолати меникидан қолишмасди.

– Тумшуғингни эзвораман.., – муштини дўлайтирарди ҳайдовчи бақириб. Сўнг бўралатиб сўкар, мен эса кўзим тугул қулоғимни ҳам бекитишга интилардим. Машина Ўртасаройдан ғувиллаб ўтди. Азбаройи Худо, агар олдинда бирор машинанинг қораси кўринса, юрагим шиғиллаб борарди. Олдиндагиларнинг ўзаро суҳбатидан ваҳимам баттар орта бошлади:

– Санжарни тинчитиш керак, – ҳайдовчининг бамайлихотир гапидан жонланган "окаси" "ерунда" деб қўйди.

– Мамашка тишга тегвотти, бўлмасам "Тигр"ни тилини танглайидан узардим. "Олти боласи, қари онаси бор", деб кеннайингни банисага жўнатиб ўтирибди.

– Икки соатдан кейин Қўқонда бўлишимиз керак. "Дог" кўнармикан?

– Кўнмаса яна миллион ташиймиз.

Яна пойга бошланди. Қизил рангли "Дамас"га урилиб кетай деган машина эгалари ўз йўлида сокин кетаётган ҳайдовчига мушт ўқталиб ўтишди. Чол менга, мен унга таажжубланиб қарадик. Аммо на у, на мен ботиниб бир сўз айтмасдик. Оҳангаронда йўловчи йигит тушиб қолгач, чол елвизак таъсириданми, қаттиқ аксириб юборди. "Соғ бўлинг" дедим секин. Олдинда ўтирганлар эса унга ўқрайиб қараб қўйишди. Эс-хаёлим тезроқ манзилимга соғ-омон етиб олишда. Ўқдай учиб бораётган машина яна ўнлаб уловларни доғда қолдирди. ДАН постига етиб келгач, ҳануз "бардачок"дан оёқ туширмаган йигит таёғини кўтарганча қолган формадаги кишини масхаралаб ўтди.

– Братан, кечқурун қарасам, қўшнининг мушукчаси дарвозахонамизда юрибди. Икки оёғини сим билан маҳкам боғлаб ўрикка осиб қўйдим. Минғиллайверди, минғиллайверди... Вей, Ибратбекни кўрсанг... роса мириқиб томоша қилди. Мушукни олиб берувдим, судрайвериб, ўлдириб қўйибди. Яша, ота ўғил, дедим.

Унинг ҳикоясидан юрагим увишди. Муштдай боласини ваҳшийликка ўргатса-я!

– Кеннайингга ўлигини эгасига обчиқиб бер, десам, бурнини жийирволди. Думидан ушлаб, қўшнининг деворидан улоқтириб юбордим. Ғинг демади. Десаям...

Қария ҳам унинг гапини илғаб қолди шекилли, ачиниб бош чайқади:

– Жонивор увол бўпти...

Минг бир хаёлга берилиб, кўз олдим қоронғилашди. Булар ким бўлди ўзи? Намунча ўзларига бино қўйишмаса? Касб-корлари нима? Ҳеч кимни писанд қилмай, аллақандай лақабларни айтишларида нима сир бор экан? Шу қадар бойвачча бўлишса, нимага йўловчи олишди? Нуқул миллиондан сўз очишаяпти яна. Хаёллар исканжасида манзилга етиб қолганимизни билмабмиз. Шоша-пиша йўл ҳақини тўладимда, машинадан тушдим. Қариянинг ҳам худди мендек чеҳрасига хотиржамлик инди.

Йўл тасодифларга тўла. Кимнидир кўриб, шукр қиласан, кимнидир кўриб, фикр... Мол-дунё кўзини қамаштирган, кимларгадир хизмат қиладиган, чор-атрофидагиларни тарикча менсимайдиган кимсалардан кимга фойда, кимга жабр...

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**


ЭЪЛОНЛАР

Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 14.09.2012 йилда 002873 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 302384225) "TAIS BAKERY" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилоят Давлат педагогика институти томонидан 1984 йилда Эралиева Умриниса Эргашевна номига берилган ИВ-I № 261147 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЯТТ Абдуллаев Ниғмонжон Абдувоҳид ўғли номига 2011 йил 6 декабрда берилган 0513881 реестр рақамли, 05-11947 рақамли якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ELAST TOM" (ИНН 301817089) масъулияти чекланган жамиятининг Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2001 йил 28 январда берилган 005230 рақамли, реестр рақами 004829-05 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа туманида рўйхатга олинган (СТИР 301293015) "BIG TRANS MAX SERVIS" МЧЖнинг устав фонди миқдори 108 600 000 сўмдан 83 745 000 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: 925-00-77.

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чуст тумани ТСРЎИ томонидан 23.11.2002 йилда 38-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган (ИНН 206816793) "INVEST FARM SERVICE" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ "XUJJATLAR UCHUN" муҳри йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный аттестат о среднем образовании O`R-B № 029428, выданный в 1998 году средней школой № 242 Алмазарского района (бывш. С. Рахимовский) г. Ташкента на имя Шукуровой Нигины Шамильевны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**


БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

# АЁЛ ҚАЛБИ

Ишдан барвақт қайтган Гулруҳ уйларни чиннидай қилиб қўйди, ҳовлини супуриб, сув сепди. Эрининг ишдан келишига ҳали иккиуч соат бор.

– Мантини яхши кўрадилар, бугун бир хурсанд бўлсинлар, – дея шошапиша уннай кетди. Зум ўтмай, қизи Гулнур укаси Асадбек билан кириб келди.

– Ассалому алайкум, ойижон! Бугун эрта келибсизми? Қандоқ яхши. Мусиқа тўгарагидан қайтаётиб, Асадбекниям боғчадан олиб кела қолдим.

– Жуда яхши, қизим, тезроқ кийимларингни алмаштириб чиқ, манти тугишга ёрдамлашасан.

Таом эндигина тайёр бўлганда, дарвозада Алижон кўринди. Турмуш ўртоғининг қаршисига пешвоз чиқаркан, Гулруҳнинг кўзлари қувончдан чақнаб кетди.

– Келдингизми, дадаси? Чарчамадингизми?

– Қизиқсан-а хотин, чарчамай бўларканми, уззу кун оёқда тик туриб савдо қиламан ахир.

– Ассалому алайкум, дадажон, бугун мазза қилиб манти еймиз, – деди Асадбек дадаси билан ачомлашаркан.

Кечки овқатдан сўнг, Гулнур дарс тайёрлаш учун хонасига, Асадбек телевизор қаршисига йўл олгач, эр-хотин ёлғиз қолдилар.

– Дадаси, овқат ёқдими?

– Шуям савол бўлди-ю, биласан-ку, мантини яхши кўришимни.

– Ойижоним, сизга ажойиб совға олиб келдилар, бизларгаям ҳайитлик бердилар, – Асадбек дадасига мақтанди.

– Менга совға олиб нима қилардинг, – хотинига қараб тўнғиллади Алижон.

– Нега сиз ойижонимга қўпол гапирасиз, Аваз амаким кеннойимни "сиз" дейди, кулиб гапиради, атир, рўмол, кийимлар олиб беради. Мен ҳам катта бўлсам амакимга ўхшайман, сизга ўхшашни истамайман.

– Вой зумраша-ей, ким ўргатди сенга бу гапларни, онангми? – Алижоннинг ранги қизариб-бўзариб, ўғлига ўшқирди. Асадбек пиқиллаб йиғлаганча, хонасига кириб кетди.

Ўғлининг ортидан хомуш қараб қолган Гулруҳ аста дастурхонни йиғишга киришди. Асадбекнинг гапида жон бор. Дарҳақиқат, эри кундан-кунга қўполлашиб бораяпти.

Янги турмуш қурган дамларини эсласа, Гулруҳнинг бутун вужуди жимирлаб кетади. У пайтлар Алижон заводда чилангар бўлиб ишлар, дам олиш кунлари икковлон қўл ушлашиб, истироҳат боғию, сўлим гўшаларга сайрга чиқишар, ширин суҳбатлар қуриб, бирбирларига ҳеч тўймасдилар.

– Наҳот шундай одам бутунлай ўзгарса. Қайданам завод ёпилди, тирикчилик дея бозорга чиққан эрим ўзгарди-қолди, – афсус билан бош чайқарди ҳар гал шўрлик аёл.

– Ҳай, қўшнижон, эримнинг айтишича, Алижоннинг роса мижози кўп эмиш. Эрингизни иши юришяпти экан шу кунларда. Қўли-қўлига тегмай савдо қилаётганмиш, – маҳалланинг "шпион"и (ҳамма ҳақида гап чувалатиб юргани учун уни шундай атардилар) Санам хола кўзларини катта-катта очиб, Гулруҳга Алижонни таърифлай кетди.



Ўйлай-ўйлай бир қарорга келган Гулруҳ шанба куни эрига ёрдамга отланди. Эри савдо қилаётган раста томон яқинлашаркан, Алижоннинг харидор қизга кўрсатаётган мулозаматидан лол қолди:

– Хушрўйгина экансиз, бу либос сизнинг келишган қоматингизга жудаям ярашди. Либос одамни эмас, одам либосни безайди, деган нақл сизга айтилгандек, гўё.

Гулруҳ шу ондаёқ ортга қайтди:

– Наҳотки, шу инсон менинг эрим бўлса?

Бу савол то шомгача уни қийнади.

– Ойижон, байрамингиз билан табриклаймиз. Бу рўмолчани ўз қўлларим билан сиз учун тўқидим. Асадбек эса боғчада сизга атаб гулдаста ясабди, – Гулнур шундай дея совғаларни топшираркан, секингина шивирлаб қўшиб қўйди, – дадамнинг ҳам зўр совғалари бор.

Дастурхон атрофида кечки таом учун ҳамма жамулжам бўлгач, Алижон гап бошлади:

– Онаси, яхшиям бахтимизга сен борсан. Хонадонимизни сенсиз тасаввур қилиш қийин. Илойим, доимо соғ-омон бўл. Ҳалиги, сенга аталган кичкина совғам бор, ҳозир, – чўнтагидан мўъжазгина қутичани олиб, ичидаги узукни Гулруҳнинг бармоғига аста тақиб қўйди. Аёл бармоғига кўрк бериб товланаётган тилло узукка меҳр билан боқиб турган эрига қараркан:

– Шундай саҳий, оққўнгил эримдан хафа бўлиб юрибман-а! – дея ўзини койиди.

**Муҳаббатой АБДУҚОДИРОВА.**

КЎРГАЗМА

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида рассом Умида Эрматованинг "Оламлар чорраҳасида" номли шахсий кўргазмаси очилди.**

# ОЛАМЛАР ЧОРРАҲАСИДА

П. Беньков номидаги республика рассомлик коллежида ва К. Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олган У. Эрматова "Миср ёш рассомлар нигоҳида" номли кўргазмасида Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари асосида яратилган либослар коллекциялари билан иштирок этган. 2002-2003 йилларда "Дунёнинг яралиши", "Қалбимнинг очилмаган олами" номли рангли асарлар туркумини яратди. 2003 йилда Ўзбекистон Бадиий академиясида "Аёлга бағишланган мадҳия", "Ассалом, Наврўз", "Ҳамкасблар мулоқоти" каби республика бадиий кўргазмаларида "Қалбимнинг очилмаган олами" номли туркум рангтасвир асарлари билан муваффақиятли иштирок этди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиклари Баҳодир Жалолов ва Жавлон Умарбековдан "Устоз-шогирд" тизимида рассомлик сирларини ўрганди.

Бугунги кунда рассом турли тадбирларда либос бўйича ҳам фаол иштирок этмоқда. Навбатдаги кўргазмада рассомнинг 50 дан ортиқ ўзига хос услубда, турли жанрларда ишланган асарлари намойишга қўйилган. Экспозицияларда юртимизнинг гўзал манзаралари, ҳаёт фалсафаси, йил фасллари, Наврўз, хотин-қизлар сиймолари, натюрмортлар, юртимизнинг ширин-шакар мевалари ва бошқа қатор лирик йўналишдаги асарларини кўрамиз.

Тошкент вилоятининг гўзал табиати манзаралари акс этган "Чорвоқда куз", "Чорвоқда кеч" асарлари ҳамда Хумсонга бағишланган бир-бирини тўлдирувчи учта асари ҳам санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди.

Экспозициядан шунингдек, тарихий мавзуларда "Авесто" ва Зороастризмга бағишланган ўнта асар ҳам ўрин олган. Уларни кўздан кечирган ихлосманд муаллифнинг нафақат профессионал маҳорати, балки тарихий манбаларга ҳам мурожаат қилганини сезади.

Кўргазма намойиши давом этмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

РАССОМ ХАНДАСИ



*Оларда кирар жоним, берарда чиқар...*

www.JPG.uz

НИГОҲ

# КАСАЛЛИК ТАШҲИСИ – ЭКСТРЕМИЗМ

**Собиқ Иттифоқ пароканда бўлгач, Қирғизистон чет эл сценарийчилари учун тўрт тарафи қибла очиқ майдонга айланди. Иккита "рангли" инқилоб, фуқаролар ўртасида миллатлараро уруш-жанжал ва ниҳоят турли дин ва конфессиялар ваколатхоналарининг очилиши қирғиз халқи онгу шуурига, маънавиятига салбий таъсир ўтказди. Мамлакатда рўйхатга олинмаган кўплаб секта ва жамоат ташкилотлари ҳаддан зиёд болалаб кетди.**



Бугунга келиб эринмаган одам борки, дин масалалари билан шуғулланмоқда. Ғарб ва араб мамлакатлари уларни саҳийлик билан қўллаб-қувватлаб туришипти. Кейинги пайтларда даъватчи бўлиш Қирғизистонда энг сўнгги модадаги одатга айланди. Шуниси ажабланарлики, даъватчилар орасида тегишли билимга эга бўлмаган кишилар ҳам оз эмас.

Муфтий Чубак ҳожи Жалилов бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйиш ўрнига биз буни ислом амалиётини жорий этиш сифатида қабул қилишимиз керак дея ҳаммани тинчлантиришга уринаяпти. Агар ўн нафар даъватчи орасида бир нафар саводлиси бўлса, у қолганларни намозни қай тартибда ўқиш, ислом аҳкомларига риоя қилиш, ҳаттоки, қандай овқатланишгача ўргатиши керак эмиш.

"Озодлик" радиосига берган интервьюсида муфтий шундай деди:

– Ҳозир бизда ҳизбутчилар, даъватчилар ва салафия-ваҳҳобийлар бор. Булардан ташқари, такфирчилар, нурчилар ва сулаймонийлар гуруҳлари ҳам мавжуд. Улар ўртасида жиддий фарқ бўлмасада, барчасини янги оқим дейиш мумкин эмас.

Юқоридаги радикал ислом оқимлари Қозоғистон, Ўзбекистон ёки Афғонистон ва Покистонда қандай фалокатлар ёғдирганидан муҳтарам муфтийимиз бехабар эканлиги эҳтимолдан йироқ. Қўшни Қозоғистондаги халифат аскарлари бир кунда ёки бир думалаб, шундай уюшган ва кучли ташкилотга айланиб қолганлари йўқ, албатта. Ўта муросасоз ва ҳаддан зиёд "демократик" ҳукумат ҳамда диний идора Қозоғистон ерида "туп қўйиб, палак ёзиб", мустаҳкамланиб олишига имкон бериб қўйди.

Такфирчилар, нурчилар ва сулаймонийлар гуруҳлари ҳам мусулмонлар ўртасида ҳар бири ўз йўли билан душманлик уруғини сочмоқдаки, бу пировардида аянчли оқибат – фуқаролар урушига олиб келади. Бечора қирғиз фуқаролари эса, шундоқ ҳам инқилоблару миллатлараро урушжанжаллардан тўйиб, ҳолдан тойган.

Албатта, масжид имомлари учун муфтий ташкил этган малака ошириш курслари ва барча диний хизматчиларнинг аттестациядан ўтказилгани руҳонийларнинг билимларини бироз ошириш имконини берди.

Аммо, бизнинг кўп азият чеккан, афғор мамлакатимизда энди "Мастурат" диний ташкилотнинг аёл даъватчилари ҳам пайдо бўлдилар. Улар маҳаллий руҳонийларнинг рухсати билан фаолият юритмоқдалар. Бироқ, руҳонийларнинг уларни назорат қилиш имкониятлари йўқ.

Ўш вилояти қозиси Ниёзали Ориповнинг сўзлари кишини сергак торттиради:

– Агар масжидлар улар фаолиятини мониторинг қилиш имкониятига эга бўлсалар, унда муаммо йўқ. Бироқ, "Мастурат"чилар уйма-уй юриб, якка тартибда даъват олиб боришяптику. Шу боис, улар нимага даъват қилишаётганини биз билмаймиз. Агар улар ножўя фаолият билан шуғулланаётганлари ошкор бўлиб қолса, унда қилмишлари учун жавоб беришлари керак.

Диний идоралар, ҳуқумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вақт топиб, ушбу ташкилот фаолиятининг мақсад-моҳиятини аниқлашга киришгунларича, аёл даъватчилар жойларда янада кўплаб "уя" қурадилар. Аёллар дин аҳкомлари учун эркакларга нисбатан қатъийроқ ва даҳшатлироқ курашишлари кўҳна тарихга таниш ҳол. Муҳими шуки, диний маълумотлари қандай, тарғиб қилаётган нарсаларини ўзлари тушунадиларми-йўқми, буни улардан ҳеч ким сўрамаяпти. Муқаддас Қуръон сўзларини ҳар ким ўзича талқин қилар экан, даъват учун матнни қайси манбадан олишяпти? Қўрқаманки, буларнинг ҳаммаси четдан маблағ билан таъминланмоқда ва ушбу кучли оғу жамиятимизни аянчли аҳволга олиб келади.

Ҳар қандай хасталик аввал тананинг бирор нуқтасида ўзини кўрсатади. Агар у вақтида даволанмаса, катта ярага айланади ва оқибатда бутун танани ҳалокатга маҳкум этади.

**Майрам ҚИРҒИЗ қизи.**
**www.paruskg.info.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1142. Адади 6847. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 12345